

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**



**TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEK VA RUS TILLARIDA MOLIYA-IQTISOD TERMINLARINING  
QO‘LLANILISHI VA MUAMMOLAR**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI TO‘PLAMI**

**13-oktyabr 2022-yil**



**TOSHKENT  
“Taxriry nashriyot”  
2022**



**“O‘zbek va rus tillarida moliya-iqtisod terminlarining qo‘llanilishi va muammolar”** mavzusidagi  
Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami



**UO‘K: 811.161.1'373.46:336**

**KBK: 65.261.81.20'zb-3**

**Taqrizchi:** **M.A.Dedaxanova** – filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

**“O‘zbek va rus tillarida moliya-iqtisod terminlarining qo‘llanilishi va muammolar”** mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – T.: “Taxririyl Nashriyot”, 2022. – 140 b.

Ushbu to‘plam 2022-yil 13-oktyabr kuni Toshkent moliya institutida bo‘lib o‘tgan “O‘zbek va rus tillarida moliya-iqtisod terminlarining qo‘llanilishi va muammolar” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari asosida tayyorlangan. O‘zbek va rus tillarining ilmiy-amaliy masalalari, soha terminologiyasi muammolari, til o‘qitishda innovatsion ta‘lim texnologiyalaridan foydalanishning yangi istiqbollari, shuningdek, leksikografiya taraqqiyotida muammo va yechimlar masalasiga oid maqolalar bu to‘plamdan o‘rin olgan.

Mazkur Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallaridan OTM professor-o‘qituvchilari, o‘zbek va rus tili mutaxassislari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalanishlari mumkin.

**Ma’sul muharrirlar:** **N.X.Yunusova** – O‘zbek va rus tillari kafedrasini mudiri, pedagogika fanlari nozodi, dotsent

**N.A.Xusanov** – TMI O‘zbek va rus tillari kafedrasini filologiya fanlari doktori, professor v.b.

**ILMIY-AMALIY KONFERENSIYANING TAHRIRIYATI VA  
TASHKILIY QO‘MITASI:**

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>T.Z.Teshabayev</b>      | iqtisod fanlari doktori, professor                |
| <b>S.U.Mehmonov</b>        | iqtisod fanlari doktori, professor                |
| <b>A.X.Islamkulov</b>      | iqtisod fanlari doktori, dotsent                  |
| <b>N.X.Yunusova</b>        | pedagogika fanlari nomzodi, dotsent               |
| <b>N.A. Xusanov</b>        | filologiya fanlari doktori, professor v.b.        |
| <b>A.J.Saparov</b>         | filologiya fanlari doktori, dotsent v.b.          |
| <b>M.A.Dedaxanova</b>      | filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) |
| <b>N.A.Dilmurodova</b>     | Dotsent   |
| <b>N.O.Diyorova</b>        | dotsent v.b.                                      |
| <b>Sh.T.Maxkamova</b>      | dotsent v.b.                                      |
| <b>S.N.Shermuxammedova</b> | katta o‘qituvchi                                  |
| <b>N.S.Abdullayeva</b>     | katta o‘qituvchi                                  |
| <b>R.T.Abduxalilova</b>    | o‘qituvchi  |
| <b>F.A.Saloxojayeva</b>    | o‘qituvchi  |
| <b>Dj.X.Kurbanova</b>      | o‘qituvchi  |
| <b>S.M.Rajabova</b>        | o‘qituvchi  |
| <b>Z.J.Kazbekova</b>       | o‘qituvchi  |
| <b>O.G‘.Sharipov</b>       | o‘qituvchi  |
| <b>Sh.B.Yuldashova</b>     | o‘qituvchi  |

*ESLATMA! Konferensiya materiallari to‘plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma’lumotlar haqqoniyiligiga va keltirilgan iqtiboslar to‘g‘riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.*

**UO‘K: 811.161.1'373.46:336**

**KBK: 65.261.81.20'zb-3**

**ISBN 978-9943-8781-8-1**

© Toshkent moliya instituti, 2022  
“Taxririyl nashriyot” bo‘limi, TMI 2022



## KIRISH

Yangi O'zbekiston taraqqiyotida axborot texnologiyalarining rivojlanishi va tatbiq qilinishi sababli kundalik hayotimizda juda ko'plab qulayliklar paydo bo'lmoqda. Bunday qulayliklar bir qancha rivojlangan mamlakatlarning sivilizatsiyasiga allaqachon sezilarli darajada ta'sir ko'rsatgani ma'lum. Qulay innovatsion muhitni yaratish ushbu jarayon qatnashchilari uchun ma'lum imtiyozlar belgilab qo'yilishini, yangi texnika va texnologiyani o'zlashtirish vaqtidagi ortiqcha xarajatlarni qisman qoplab berilishini, innovatsion-investitsion loyihalarni amalga oshirish uchun imtiyozli kreditlarni, innovatsion xatarlarni sug'urtalash tizimini o'z ichiga qamrab oladi. Xususan, bugungi globallashuv davrida til o'qitishda qulay imkoniyatlardan foydalanish, soha rivojida moliya-iqtisod terminlarining o'rni va bu borada yechimini kutayotgan mavjud muammolar, fanlararo uzviylik va izchillikning mutanosibliigi alohida e'tiborga loyiq.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktyabrdagi PF-5850-sonli “O‘zbek tilining davlat tili sifatida nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni hamda 2020-yil 20-oktyabrdagi PF-6084-son farmoniga muvofiq tasdiqlangan “2020–2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi”, shuningdek, 2022–2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasi “Taraqqiyoti strategiyasi to‘g‘risida” (2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli) farmoni ijrosini ta'minlash borasida ko'plab innovatsion g'oyalarni amalga oshirish bugungi kunda dolzarblik kasb etadi. Bu masalada amalga oshirilayotgan tadbirlar uzoq vaqtga mo'ljallangan fundamental maqsadlarni o'rtaga qo'yish bilan bir qatorda, muayyan maqsadlarga erishish vositalari, yo'llarini belgilashni ham o'z ichiga olmoqda. Xususan, til o'qitishni, umuman olganda, ta'lim sohasini zamonaviy texnologiyalar negizida takomillashtirish va samaradorligini oshirishni davr talab qilmoqda. Hozirgi globallashuv jarayonida iqtisodiyotni rivojlantirish va uni davlat tomonidan tartibga solish masalalarida o'z yechimini kutayotgan talaygina muammolar mavjud. Ularni bartaraf etish maqsadidagi yondashuvlarni inobatga olib, institutda mavjud o'zbek, rus va ingliz tillarini sohaga moslashtirgan holda zamonaviy texnologiyalar asosida mukammal o'rgatish uchun qulay shart-sharoit yaratilgan. Har jihatdan barkamol, o'z ishini puxta biladigan kadrlarni yetishtirish uchun innovatsion g'oyalar ijrosini ta'minlay oladigan professor-o'qituvchilar nihoyatda muhim. Ular ilmiy izlanuvchan bo'lishi, boshqa ta'lim muassasalari bilan hamkorlikni yo'lga qo'ya bilishi, xalqaro munosabatlarni yo'lga qo'yishi, ta'limdagi yangiliklardan boxabar bo'lishi zarur. Shu maqsadda institut miqyosida malakali ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash, ularni qo'llab-



quvvatlash bo‘yicha yirik ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, mazkur konferensiyani o‘tkazishdan maqsad: til o‘qitishda innovatsion ta‘lim texnologiyalaridan foydalanish yuzasidan pedagogik ko‘nikmalarni rivojlantirish; moliya-iqtisod terminlarining yasalishi, imlosi, uning qo‘llanishiga doir muammolarni bartaraf qilish; talabalarning hujjatlar bilan to‘g‘ri ishlash ko‘nikmasini shakllantirish; ta‘lim samaradorligini oshirish, barqarorligini ta‘minlash; soha terminologiyasi va sohaviy lug‘atlar masalasida o‘zaro fikr, tajriba almashish; ta‘lim tizimini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishdir. Shunga asosan, til o‘qitishda innovatsion ta‘lim texnologiyalaridan foydalanish omillarini faollashtirish, oliy malakali kadrlarni tayyorlash istiqbollari va muammolariga doir masalalarni o‘z ichiga oladigan sho‘balar tashkil etilgan.

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qilib, institutda tashkil etilgan *“Ўзбек ва рус тилларида молия-иқтисод терминларининг қўлланилиши ва муаммолар”* mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasida muhokama qilinadigan ilmiy ma‘ruzalar bugungi kundagi dolzarb masalalarga bag‘ishlanganligi, ta‘lim tizimini yanada rivojlantirish, oliy ta‘lim sohasidagi ilmiy muammolarni hal etish hamda soha taraqqiyoti uchun ilmiy salohiyati yetuk kadrlarni tayyorlash borasida muhim ahamiyat kasb etadi, deb hisoblayman.

**Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich**

Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va  
innovatsiyalar bo‘yicha prorektori,  
iqtisod fanlari doktori, dotsent



“O‘zbek va rus tillarida moliya-iqtisod terminlarining qo‘llanilishi va muammolar” mavzusidagi  
Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami



# I. O‘ZBEK TILINING SOHADA QO‘LLANILISHI VA SOHA TERMINOLOGIYASI



## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СОҲАДА ҚЎЛЛАНИШИ ВА СОҲА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

*Хусанов Нишонбой*

*ТМИ Ўзбек ва рус тиллари кафедраси  
профессор в.б., филология фанлари доктори*

Жаҳонда терминологик тизимларни чуқур ўрганиш зарурати юзага келмоқда. Фан-технология тараққиёти, ахборотларнинг чексиз оқими жамиятни тубдан ўзгартириб терминологик бирликлар кўпаймоқда, соҳавий мулоқотга киришишга талаб ортиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир миллий тилда ўзига хос терминлар тизими мавжуд. Терминология ўзбек тилшунослигида жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Терминларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Зеро, терминлар тизими адабий тилнинг тараққиётини ифодаловчи муҳим белги ҳисобланади.

Ўзбекистонда содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислохотлар, илм-фан тараққиёти, бошқа давлатлар билан олиб борилаётган яқин ижтимоий-иқтисодий алоқалар тилимизда ўз ифодасини топмоқда. Жамият ҳаёти молия-иқтисод тизимисиз ривожланмайди. Ўзбекистонда иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланаётган бир вақтда молия-иқтисод терминларини ўрганишга эҳтиёж катта. Зеро, «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда: «...мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш» [1] муҳим вазифалардан бири сифатида таъкидланган. Соҳа мутахассисларнинг ўзбек тилидаги саводхонлигини белгиловчи ва нотиклик маҳоратини кўрсатувчи сўзлар - турли соҳаларга оид тушунчаларни ифодаловчи терминологик бирликларни ўргатиш олий таълимнинг муҳим муаммосидир.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-58-50 сонли “Ўзбек тилини давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармонлари, 2019 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 984 сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084 сон Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномалари ҳамда давлат тилини ўқитишни такомиллаштиришга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилган.

“2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси” ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 декабрдаги 87-06-52 сонли хати ва буйруғидан келиб чиқиб 2020-2021 ўқув йилидан барча олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили” кафедраси ташкил этилди ҳамда “Ўзбек тилини соҳада қўлланиши” фани ўқув режасига киритилди.

Мустақилликдан сўнг ўзбек тилининг иқтисод терминларини тадқиқ қилишга эътибор кучайди [2]. Ижтимоий ҳаёт молия-иқтисод терминологияси бўйича тадқиқотлар олиб боришни, соҳа терминологияси бўйича ўқув адабиётлар-дарслик ва ўқув қўлланмалар, ўқув луғатлари яратишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили бўлган ўзбек тилидаги молия-иқтисод терминологиясини талабаларга ўргатиш олий таълимдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кун учун муҳим бўлган ва давр тақозо этаётган долзарб масала молия - иқтисод соҳаси лексикасини, терминологиясини талабаларга ўргатишни мақсад қилган Тошкент молия институти юқори малакали ва давлат тилида саводхон талабаларни тайёрлаш мақсадида ўқув режасига янги фанларни киритиб борди. 1997 йилда “Мутахассислик тили “ танлов фани сифатида ўқув режасига киритилди, кафедра мудирини Н.Хусанов 2001 йилда “Мутахассислик тили” фани бўйича маърузалар матнини, 2003 йилда “Mutaxassislik tili” ўқув қўлланмасини чоп эттирди. Кейинчалик бу фанга иш юритиш ҳам киритилди ва N.Husanov, Z.Miraxmedova “Iqtisodiyot atamaları va ish yuritish” китобини 2005 йилда нашрдан чиқарди. Давр талаби ва хорижий тажрибалар асосида 2011 йилда фан



“Iqtisodiyotda texnik yozuv” deb nomlandi hamda 2012 yilda shu nomda ўquv qўllanma chop etildi. 2018 yilda xoriжий davlatlar tajribasidan kelib chiqib fan nomi “Biznes muloqot va akademik yozuv” deb nomlandi. N.Husanov, R.Xojaqulova “Biznes muloqot va akademik yozuv” darsligi 2019 yilda chop etildi. Darslik quyidagi mavzularni qamrab oldi: notiqlik tarixi, biznes muloqot va nutqiy faoliyat, biznes muloqot shakllari, biznes muloqot jarayoni va muhojama, jamoa ўrtasidagi muloqot, madaniy nutkning kommunikativ xususiyatlari, mutaxassislikka oid sўz va terminlarning yasaliishi, matn yaratishning ўziga xos xususiyatlari, iqtisodiy hujjatlarni yuritish, iqtisodiyotda ilmiy matnlar yaratish. 2020-2021 ўquv yilidan Ўzbekiston Oliy va ўrta maxsus taъlim vazirligi buyrug‘iga kўra “Ўzbek tilining soҳada qўllanilishi” ўquv rejasiga asosiy fan sifatida kiritildi. Muallif uzoq yillik tajriba va kuзatishlardan kelib chiqib soҳa tili va terminologiyasiga baғishlangan yangi darslik tayyorladi.

“Ўzbek tilining soҳada qўllanilishi” fani quyidagi mavzularni qamrab olgan:

1. “Ўzbek tilining soҳada qўllanilishi” fanining maqsadi va vazifasi. “Davlat tili” haqidagi Qonun va uning moddalari.
2. Ўzbek ʻzuvlari. Lotin va kirill ʻzuvlari. Ўzbek tilining imlo qoidalari. Moлия- iqtisod terminlari imlosi.
3. Ўzbek tilidagi moлия-iqtisod terminlarining shakllanishi va taraqqiyot bosqichlari.
4. Ўzbek tili moлия-iqtisod terminologiyasining mustaqillik davridagi taraqqiyoti.
5. Moлия-iqtisod terminlarining yasaliш xususiyatlari. Morfologik usulda yasalgan moлия-iqtisod terminlari.
6. Ўzbek tili moлия-iqtisod terminlarining semantik usulda yasaliishi. Termin-metaforalar, terminlashiш, determinlashiш, transterminlashiш jarayonlari.
7. Ўzbek tili moлия-iqtisod terminlarining struktural yasaliishi. Bir, ikki, uch, tўrt va undan ortiq komponentli tuzilishga ega terminlar .
8. Moлия-iqtisod terminlarining mavzuiy guruhlari, antropocentrik ʻndashuv va tizimli tasnif.
9. Ўzbek tili moлия-iqtisod terminlari ўrtasidagi paradigmatik munosabatlar: sinonimiyа, antonimiyа, polisemiya, omnimiyа, paronimiyа hodisalari.





10. Молия-иқтисод соҳасига оид луғатларнинг хусусиятлари ва луғатларни тузиш тамойиллари: манба, сўзлик, изоҳлаш усуллари ва тасдиқловчи мисолларни бериш.

11. Молия-иқтисод терминларининг ташқи манба асосда кириб келиши. Терминларни тартибга солиш ва такомиллаштириш.

12. Матн ва унинг хусусиятлари. Молия-иқтисод соҳасига оид сўз ва терминлар иштирокида матн тузиш. Терминларни илмий, публицистик, расмий, бадий ва сўзлашув услубларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

13. Молия-иқтисод соҳасига матнларга факт ва материаллар тўплаш. Матнни таҳрир қилиш. Матнни кенгайтириш ва қисқартириш усуллари. Матндаги техник хатоларни бартаф этиш.

14. Молия-иқтисод соҳасига оид матнлар тайёрлаш. Мақола, эссе, тақриз, аннотацияларнинг хусусиятлари ва уларни ёзиш.

15. Молия-иқтисод соҳасига оид ҳужжатлар. Ҳужжатларнинг таснифи, тузилиши ва хусусиятлари. Ҳужжатларни тўлдириш, ёзиш ва яратиш.

“Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” фанининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабаларга соҳа терминологиясининг назарий ва амалий аҳамияти, ўзбек молия-иқтисод терминологиясининг тарихи ва ҳозирги ҳақида маълумот бериш;

- молия-иқтисод терминларининг ясалиш ва семантик-генетик хусусиятларини ёритиш;

- молия-иқтисод терминларининг мавзувий гуруҳлари, лексик-семантик ҳодисалари, парадигматикаси, структурал хусусиятларини очиб бериш;

- молия-иқтисод соҳасига оид луғатлар ва ўқув адабиётларда терминларнинг акс этиши ҳамда терминларни тўғри қўллаш ва тартибга солиш масалаларини кўрсатиш;

- соҳа мутахассисларининг мақола, эссе, тақриз ёзиш бўйича маҳоратини ошириш;

- молия-иқтисод соҳасига оид матнларни тузиш ва таҳрир қилиш, соҳага оид ҳужжатларни тўғри ёзиш усуларини ўргатиш.

“Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” фани талабаларда қуйидаги малакаларни шакллантиради:

- ўзбек тили олия-иқтисод терминларининг ясалиш хусусиятларини ўзлаштириб сўзларни хатосиз ясаш;

- соҳага оид сўз, терминларни ўз ўрнида ва тўғри ишлатиш;

- молия-иқтисод терминларининг турли адабиётларда қўлланиши бўйича фикр, тақриф ва хулоса бериш;



- мутахассис ва талабалар учун банк-молия терминларининг сўзлик ва изоҳли луғатларини тайёрлаш;
- молия-иқтисод терминларининг семантик-структурал хусусиятларни ўзлаштириб ўз ва халқаро терминларнинг ўзбек тилида берилиши бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;
- турли услубларда молия-иқтисод соҳасига оид матнлар тузиш, хужжатларни тўғри ёзиш ва тўлдириш;
- мазмунли ва мантиқли мақола, эссе, тақриз ёзиш малакасини эгаллашдан иборат.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони // <http://uza.uz/oz/documents/zbek-tilining-davlat-tilisifatidagi-nufuzi-va-mav-eini-tubd-22-10-2019>
2. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. – Ташкент, 1991; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 2000; Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 2010; Аҳмедов О.С. Солик ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2011.
3. Хусанов Н. Мутахассислик тили // маърузалар матни. – Тошкент, 2001.
4. Husanov N., Miraxmedova Z. Mutaxassislik tili. – Toskent, 2003.
5. Husanov N., Miraxmedova Z. Iqtisodiyot atamalari va ish yuritish. – Toshkent, “MOLIYA-IQTISOD”, 2005.
6. Husanov N., Husanova M., Hojaqulova R., Yusupov E. Iqtisodiyotda texnik yozuv. – Toshkent, “Fan va texnologiya”, 2012.
7. Husanov N., Hojaqulova R. Biznes muloqot va akademik yozuv. – Toshkent, 2019.



## ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

*Ҳамидулла Дадабоев*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети профессори*

Маълумки, терминлар оддий сўзлар сингари умумдабий ва махсус лексикада бор бўлган сўз ва ўзаклардан ясалади.

Ўзбек тили терминлари тизими ўзга қариндош туркий тиллардаги сингари мавжуд структур турлар, яъни содда, ясама, қўшма, қисқартма ва сўз бирикмаларини қамраб олади.

Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар етарлича.

Бугунги кунда ўзбек тили соҳа терминологияси ҳар томонлама такомиллашиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Терминларнинг улар ифодаладиган нарса-буюм, воқеа-ҳодиса тушунчаси, маъно-мазмунига мутаносиб, мос тушиши, структур(шакл) жиҳатдан ихчам бўлиши, яқка маънони ифодалаш, маънодошлик(синонимик) қаторларга кирмаслиги каби талаблар терминшунослар диққат марказидан жой олганлиги янгилик эмас. Айниқса, чет тиллардан шиддат билан кириб келаётган илм, фан, техника, технологияга доир терминларни қандай тарзда қабул қилиш, ўзлаштириш хусусида ҳар хил ёндашувлар кўзга ташланади. Истиқлолдан кейин ўзбек терминологияси нафақат миқдор, шунингдек, сифат ўзгаришларга ҳам юз қўйди. Ўзбек тили имкониятларидан фойдаланган тарзда терминлар тизимини тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, муайян нарса-буюм, тушунча, воқеа-ҳодисани ифодалашда она тили қатори, ўрни билан, ўзбек тили шевалари ва лаҳжалари сўз хазинасида мавжуд тайёр сўзлардан фойдаланилмоқда, ўзбек тилида асрлар оша синовларга бардош берган сўз ясовчи аффиксларнинг термин ҳосил қилишдаги иштирокидан унумли истифода этилмоқда, калькаланишнинг мавжуд турлари ёрдамида терминлар ҳосил қилишга жиддий диққат қаратилмоқда, мазкур усулларнинг бирортаси ҳам қўл келмаган кезларда чет тили терминлари айнан, тайёр ҳолда ўзбек терминологияси таркибига олинмоқда. Сўнгги фикрнинг исботини АКТ ва замонавий педагогик технологиялар, компьютер, интернет билан боғлиқ терминларнинг қўлланишида кўрамаиз.

Шубҳасиз, ўзбек терминологияси тизими сезиларли ривожланишда бўлишига қарамай, ушбу соҳа ҳам муайян қусур ва камчиликлардан холи эмас.



Бизнинг назаримизда, уларни куйидаги тарзда гуруҳлаштириш ўзини оқлайди: 1. Илмий-техникавий терминларнинг янада тараққий этиши ва такомиллашувида она тилининг ички манбалари ва сўз яшаш усулларида кониқарли тарзда фойдаланмаслик. Илмий-техникавий тараққиёт бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳаётида локомотив ролини адо этмоқда. Энг замонавий қурол-аслаҳалар, асбоб-анжомлар, дастгоҳлар, роботлар, ахборот коммуникация технологияларисиз келажак жамият тараққиётини тасаввур қилиш амри маҳол. Ўзбек модели асосида ўз ривожланиш йўлини белгилаб олган мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, оғир ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, молия, илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳалари илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзосига айланди. Дунёнинг етакчи давлатлари билан ўрнатилган сиёсий, иқтисодий, илмий, ижтимоий, маданий, диний, элчилик ва ҳ.к. алоқалар негизида тараққиётнинг янги палласини бошидан кечираётган халқимиз чет эллардан олиб келинаётган энг сўнгги техника ва технологиялар билан ошно бўлмоқда, уларни кундалик ҳаётда қўллаш имкониятига эга бўлмоқда. Ватандошларимиз, айниқса, истеъдодли ёшларнинг хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиши, ёш мутахассисларнинг чет эллардаги университетларда малака ошириши, замонавий ахборот технологияларининг инсонлар турмушидан ўрин олиши каби омиллар оқибатида янгидан янги тушунчалар ва улар билан боғлиқ терминлар тилимизнинг сўз хазинасидан ўрин олмоқда.

Муболағасиз таъкидлаш жоизки, айна кезларда ўзбек тили терминологик тизимига Ғарбий Европа тилларидан бевосита ва билвосита ёпирилиб кириб келаятган терминларни тартибга солиш, унификация қилиш, уларни ўзбек тили қоидаларига бўйсундириш қийин кечмоқда. Четдан келаятган ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги ва серқирралиги терминологияга хос жиҳатларни ҳар доим ҳам диққат марказида ушлаб туриш имкониятини бермаяпти. Бу ҳолат терминларни ўзлаштириш, калькалаш, изоҳлаш пайтида муайян қийинчиликларни юзага чиқармоқда. Ўзбек тилининг ички имкониятларидан самарали фойдаланишга зарур эътибор қаратилмоқда, сўз яшаш усулларида ҳар доим ҳам унумли истифода этилмоқда, деб бўлмайди. Чет тилидан ўзлашаётган терминларни айнан қабул қилиш анъанаси ҳамон етакчилик қилмоқда. Масалан, интернет тармоғида қўлланаётган *нетабайт*, *тинг*, *пиксел*, *плагин*, *растр*, *гигабайт*, *гигабит*, *интерфейс*, *мегабайт*, *терабайт*, *эхабайт*, *зеттабайт*, *ёттабайт*, *портатив*, *аддитив*, тилшуносликка доир *абзац*, *агглютинация*, *акцент*, *аналогия*, *апокопа*, *грамматика*, *денотат*, *диглоссия*, *жаргон*, *идеограмма*, *интонация*, *калка*, *конвергенция*, *семасиология*, *социолект*, жисмоний тарбия ва спортдаги *бокс*,



футбол, хоккей, кикбоксинг, конфу, карате, гимнастика, арена, стадион каби терминлар шулар сирасидандир.

2. Айти бир термин билан бир нечта ёки ҳар хил маъноларни ифодалаш. Терминологияда салбий жиҳат ҳисобланган мазкур ҳолат қатор терминлар тизимидаги чалкашликларни юзага келтириши мумкин.

Масалан, **бюллетень** лексемаси 1. хабарнома; 2. бюллетень (сайлов бюллетени); 3. варақа (касаллик варақаси) маъноларида ишлатилмоқда.

Терминнинг фақат якка маънони ифодалаш лозимлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айти ҳолатни ўнглаш борасида жиддий ишларни амалга оширишнинг зарурлиги ойдинлашади.

3. Бир маънони ифодалашда икки, баъзан бир нечта термин-синоним (дублет, лексик вариант)ларнинг бақамти ишлатилиши.

Терминологияга оид тадқиқотларнинг барчасида бир маънони ифодалаш учун фақат битта термин қўлланиши зарурлиги бот-бот такрорланган. Шунга қарамасдан, нафақат ўзбек терминологияси, балки бошқа тил тераминологияларида ҳам муайян маънонинг бир нечта термин-синонимлар ёки дублетлар ва лексик вариантлар ёрдамида ифодаланиши кўзга ташланади. Тиббий терминлар тизимида қўлланаётган *ақлпастлик- телбалик; зайфлик-сустлик; кўрлик-сўқирлик; тортишиши-қисқариши-таранг тортиши*, иқтисодий терминлар сирасидаги *бюджет-маблағ, ҳисобчи-бухгалтер; ҳомий-спонсор; бўнак-аванс; ҳисоб варағи-тўловнома; тафтиши-ревизия; кирим-дебит; қарздор-дебитор; солиқ ва божхона терминологиясидаги жарима-пеня; даллол-брокер; қиймат-таннарх; бадал-взнос; даромад-тушум-фойда; харидор-мижоз-сотиб олувчи; солиқчи-солиқ йиғувчи; божмон-божхоначи; ижтимоий, ҳарбий, ҳуқуқшунослик терминлари таркибидаги диктатор-якка ҳоким; апартеид-ирқий айирмачилик; вазифа-функция; офицер-зобит; гипотеза-фараз-тахмин; пролонгация-узайтириши; конверсия-ўзгартириши-алмаштириши; жараён терминлари қаторидаги бошқариши-бошқарув; йиғиши-йиғув; кўнайтириши-кўнайтирув; сиқиш-сиқув; спорт соҳасидаги пеналти - 11 метрлик жарима; биринчилик-чемпионат; қошимча тайм - овертайм сингари терминлар шулар жумласидандир.*

Ўзбек терминшунослари олдида юқорида келтирилган муаммолар қатори, тубандаги масалаларни ҳам ҳал этиш масъулияти кўндаланг турибди: умумқўлланиш характеридаги баъзи терминларнинг мутаносиб вариантларининг мавжуд эмаслиги; илм-фан ва техника терминларини тартибга солиш ҳамда бир хиллаштиришнинг қониқарсизлиги; терминларни қўллашда имловий чалкашликларга йўл қўйиш; терминография масалаларига бугунги талаблардан келиб чиқиб ёндашиш, турли турдаги терминологик луғатлар тузиш ва нашр



қилиш жараёнини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг сустиги; турли соҳаларда қўлланувчи терминлар айнанлигини таъминлайдиган методик қўлланма ва даврий бюллетеннинг мавжуд эмаслиги; терминологик лексика, айниқса, Мустақиллик даври илмий-техникавий терминлар ҳақида олиб борилаётган назарий тадқиқотларнинг у қадар қониқарли эмаслиги ва ҳ.к.

Ўзбек терминологияси тизимида туб терминлар сингари дериватив терминларнинг ҳам роли салмоқлидир. Туб терминлар ўзбек терминологиясининг барча шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўзга ташланади. Хусусан: *эл, юрт, ёй, ўқ, тўп, тўра, тамга, тил, қин, бой, кунг “жория, канизак”, қул, ёв, қорин, жағ, ўпка, кўз, ой, кун* каби туб терминлар деярли барча терминологик тизимлар учун хосдир.

Ясама терминлар, шубҳасиз, ўзбек терминологиясининг улкан қисмини ташкил этади. Ясама терминлар морфологик, синтактик ва семантик йўл билан ҳосил қилиниши жиҳатидан умумлексикадан фарқланмайди.

Аффиксация термин яшашнинг энг маҳсулдор усули бўлиб, бу усул ўзбек терминологияси қарор топишининг турли босқичларида етакчилик қилган. Сўз ясалиши ўзбек тилшунослигида чуқур ва атрофлича тадқиқ этилган масалалардан ҳисобланади. Мазкур муаммога оид бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинган, талайгина монография ҳамда мақолалар чоп этилган. Термин ясалиши ҳам ўзбек тилшунослари диққат марказидан ўрин олган соҳалардан саналади.

Ўзбек тили терминларининг аксариятини мотивланган, яъни сўз-терминлар (қўшимчалар билан ясалган), термин-қўшма сўзлар, термин-бирикмалар ҳамда семантик (асосан метафорик) кўчим асосида ҳосил қилинган терминлар ташкил қилади. Шу билан бир қаторда, терминларнинг салмоқли қисми мотивланмаган, яъни ўзбек тилининг ўз содда сўзлари, ўзлашмалар, термин-калькалар ва антропонимлардан метонимик кўчим воситасида воқеланган.

Сўз туркумлари нуқтаи назаридан ўзбек тили терминологияси асосан от, сифат, равиш ва феъл сўз туркумларига оид сўзлардан иборат. Шак-шубҳасиз, от-терминлар ўзбек терминологиясининг пойдеворини ташкил этади. Айни пайтда, сифат туркумига даҳлдор сўзларнинг терминологик лексика таркиби таракқиётидаги ўрни салмоқли эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Феъл-терминлар ҳам ўзбек терминологиясининг сезиларли улуши саналади.

Ўзбек тилида морфологик усул билан термин ясалиши умумадабий тил лексик бирликларини ҳосил қилувчи айни сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда сўз ясовчи қолип (модель)лар ёрдамида амалга оширилади.

Аффиксал термин ясалиши умумадабий сўзларнинг ҳосил қилиниши сингари жуда қадимдан етакчи ва сермаҳсул усул ҳисобланади. Ўз вақтида



Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Ибн Муҳанна луғатларида, XIII-XIV асрларда туркий тил грамматикасига доир араб тилида яратилган рисолаларда, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек (туркий) тили сўз ясалиши воситалари ва йўллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган эди.

Ҳозирги пайтда ўзбек тили сўз ясалиши, алалхусус, термин ясалиши масаласига тегишли илмий адабиётларда сўз ясовчи аффиксларининг тўла таркиби маълум даражада тартибга солинган.

Хуллас, ҳозирги пайтда жадал ривожланаётган ўзбек терминологияси олдида эришилган салмоқли ютуқлар қатори, яқин истиқболда амалга оширилиши зарур ҳисобланган муаммолар етарлича. Мавжуд масалаларнинг қанчалик тез ҳал бўлиши терминологиядаги мавжуд бошбошдоқликнинг барҳам топишига олиб келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Dadaboyev N. O‘zbek terminologiyasi. – T.: “Nodirabegim”, 2020. – B. 140.
2. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. – Ташкент, 1991; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 2000; Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 2010; Аҳмедов О.С. Солик ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2011.

## **OLIV TA'LIMDA O'ZBEK TILI FANINING SOHADA QO'LLANILISHI FANINI O'QITISHNING DOLZARBLIGI**

*Dedaxanova Muazzam Altmishbayevna*  
*filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*  
*Toshkent moliya instituti*

Ma'lumki, ajdodlarimizdan qolgan buyuk meros va xalqimizning bebaho xazinasi bo'lmish o'zbek tilining sofligi, tozaliligini saqlashga doimo e'tiborli bo'lish – Yangi O'zbekistonning jamiki fuqarosi oldidagi muqaddas vazifa, deb bilmog'imiz lozim. “Davlat tili haqida”gi Qonunning 1-moddasi va asosiy Qonunimiz bo'lmish Konstitutsiyaning 4-moddasiga asosan, o'zbek tili O'zbekiston Respublikasining davlat tili sifatida tan olinar ekan, bu jihat respublika hududidagi boshqa tillarning faoliyat ko'rsatishi, rivojlanishi, chet tillarini o'rganish yoki boshqa millat vakillarining o'z ona



tillarida erkin muloqotga kirishishlari uchun aslo monelik qilmaydi. 1995-yilning 21-dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IV sessiyasida qabul qilingan “Davlat tili haqida”gi Qonunning yangi tahriri 24 moddadan iborat bo‘lib, 2-, 4-, 5-, 6-, 10-, 11-, 14-, 24-moddalarida boshqa millat vakillari tillarining amal qilishi himoya qilinadi. Bu esa Qonunning naqadar xolis ekanligini ko‘rsatadi. Unda o‘zbek tilining bugungi jahon hamjamiyatidagi mavqeyi hisobga olingan holda davlatimizning demokratik, tinchliksevar siyosati o‘zining aniq ifodasini topgan.

Oliy ta’lim muassasalarida nomutaxassis yo‘nalishlarga o‘zbek tili fanining sohada qo‘llanilishi fani o‘qitilishi barchamizga ma’lum. Quvonarli jihat shundaki, birinchidan, bu fan yosh avlodda davlat tiliga hurmat, ehtirom uyg‘otish, uni vatanparvarlik ruhida kamol toptirish kafolatini beradi. Ikkinchidan, O‘zbekistonda yashayotgan inson qaysi millat vakili bo‘lishidan qat’i nazar, oliy ma’lumotga ega bo‘lgach, o‘zbek adabiy tilida aniq va ravon gapira olishi, notiqlik mahoratidan xabardor bo‘lishi naqadar zarurligini rivojlangan mamlakatlarning davlat tili mavqeyi misolida ko‘rishimiz mumkin. Uchinchidan, har qanday soha vakili o‘z fikrini davlat tilida og‘zaki va yozma ravishda bayon qila olishi, rasmiy hujjatlar bilan ishlay olishi, hujjatlarni yozishga qo‘yilgan talablardan boxabar bo‘lishi shart. Negaki davlat tilida o‘z fikrini ifodalay olmaydigan, hujjatlarni tushunmaydigan, o‘z sohasiga doir terminlar imlosiga befarq xodim o‘z kasbining ustasi bo‘la olishi mumkin emas. Nutq madaniyatini o‘zlashtirgan, davlat tilini har xil yot unsurlardan saqlashga harakat qila bilgan, o‘zini o‘zi boshqara olgan shaxsda vatanparvarlik hissi, g‘ururi kuchli bo‘lishi tabiiy. Mashhur allomalardan K.Paustovskiy aytganidek: *“O‘z Vatanningga bo‘lgan chinakam muhabbatingni o‘z tilingga bo‘lgan muhabbatingsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi”*. Zero, butun xalq, millat sha’ni, obro‘sini himoya qilish har bir shaxsning zimmasidadir.

Afsuski, oliy ta’lim muassasalarining aksariyat ko‘pchiligida “bu ixtisoslik fani emas”, deya olib tashlandi va tanlov fani sifatida yuzaki qaralmoqda. Vaholanki, bu fanning o‘qitilishi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktyabrdagi PF-5850-sonli “O‘zbek tilining davlat tili sifatida nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni hamda 2020-yil 20-oktyabrdagi PF-6084-son farmoniga muvofiq tasdiqlangan “2020–2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi”ning [1] ijrosini ta’minlash borasida nihoyatda dolzarblik kasb etadi.

Mustaqil fikrlovchi, barkamol shaxsni kamol toptirish uchun davlat tiliga muhabbat uyg‘ota olish, vatan tuyg‘usini his qildirib, darsni qiziqarli tashkil eta bilish soha mutaxassisleri zimmasida ulkan vazifa, qolaversa, bugungi zamonaviy ta’limning oldida turgan jiddiy masaladir. Shu bois noan’anaviy usullarda talabalarning o‘zi darsni tashkil etishi bo‘yicha nazoratni kuchaytirish, sof o‘zbek adabiy tilida gapirish,





suxandonlik, notiqlik san’atidan boxabar bo‘lish shartlarini o‘rtaga qo‘yish zarur. Toki bu talabni kuchaytirmas ekanmiz, nafaqat boshqa millat vakillarida tilimizga hurmat hissini uyg‘ota olamiz, balki shu millat farzandi bo‘la turib, uyalmay: “O‘zbekcha gapirishga qiynalaman”, deya o‘z ona tilisini buzib gapiradigan yoshlar ko‘payishiga ham hech qanday to‘sqinlik qila olmaymiz. Darhaqiqat, ona tilimizni o‘zimiz sevib, boshqalarda ham unga hurmat uyg‘ota olsakgina, tilimizni dunyo tan oladi.

2020-yil sentyabr oyida muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev BMT Bosh assambleyasining 75-sessiyasida hammani lol qoldirib, o‘zbek tilida nutq so‘zlaganlari katta jasorat edi. Bu voqeani butun dunyo olqishlab qarshi oldi. Davlat tiliga e’tibor, buyuk millat sifatidagi milliy qadriyatlarni namoyon etish borasida yurtboshimiz qancha-qancha imkon eshiklarini ochibgina qolmay, tajribada mardonavor ishlarni amalga oshirmoqdalar. Gap faqat yosh-u qari – barchamiz millat g‘ururini tuyib, o‘zligimizni anglab, bu jasoratlardan ibrat, o‘rnak olishimizda qoldi xolos. Yangi O‘zbekistonning kelajagi porloq bo‘lishi uchun faqat 1-2 kishi emas, butun xalq birlashib, harakat qilmog‘i zarur. “Kishi boshqa tilda bilimli bo‘la oladi, ammo faqat ona tilidagina bekam-u ko‘st bo‘lishi mumkin. Ona tilini e‘zozlashni, qadrlashni va asrashni ma’rifatli millatlardan o‘rganing”, - degan edi G‘aybulla as-Salom [2, 19].

Mustaqil tafakkur qila olgan, kitob bilan ishlashni bilgan, o‘z tilida aniq, ravon gapira olgani holda xorijiy tillarni ham o‘zlashtira bilgan yoshlardan yuqori saviyadagi ilmiy salohiyatga ega kadrlar, buyuk tarjimon, elchilar chiqishi tabiiy. O‘zbekiston yuksalishi uchun ana shunday bilimli, yangicha innovatsion g‘oyalar tashabbuskori kerak. Darhaqiqat, ta’lim sifatini oshirish borasida xorijiy tajribalarni yurtimizga tatbiq etuvchi millatparvar olimlar, pedagoglar, vatanparvar fidoiy insonlar bor ekan, yurtimiz iqtisodiy barqarorlikka erishishi, rivojlangan mamlakatlar qatoridan munosib joy egallashi shubhasiz. Shuning uchun oliygohlarning o‘zga til guruhlarida o‘zbek tili fani o‘qitilishi zamirida ham chuqur mohiyat bor. Ham amaliy, ham nazariy bilim, malaka, ko‘nikmaga ega bo‘lgan, oliy maqsad yo‘lida texnologiyadan unumli foydalanishni biladigan kadr jamiyat uchun hamma sohada ham nihoyatda zarur.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони // <http://uza.uz/oz/documents/zbek-tilining-davlat-tilisifatidagi-nufuzi-va-mav-eini-tubd-22-10-2019>

2. Dedaxanova M. Til – qudratli kuch // Sog‘lom avlod uchun. Ilmiy-tarbiyaviy, ommabop jurnal; 06-son, iyun, 2019., B. 17-20.



## ТИЛ ВА АТАМА

*Зухриддин Исомиддинов*

*Таржима кенгаши раиси, филология фанлари номзоди*

*Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси*

Тил ўз-ўзидан тараққий этмайди. Тил неологизмларнинг оммалашуви, таржима амалиёти, четдан янги тушунча ва ифодаларни қабул қилиш, қолаверса, миллат фидойиларининг таклиф-ташаббуси билан ривож топади.

Бир пайтлар давр тақозоси бўлиб, ўзаги уёқдану қўшимчаси буёқдан бўлган “интернационал”+”лик” каби сўзлар луғатимизда тикилиб кетган эди. Тўқсонинчи йиллар бошида – ўзбек тили давлат тили мақомини олган чоғда ҳавасмандлардан тортиб отахон ёзувчиларга қадар барча - тилимиздаги русча ё рус тили орқали кириб келган ҳар бир атамани топса ўзбекча, топмаса арабчаю форсча сўзлар билан алмаштириб, “ўзбекча”лаштиришга тушди, ҳамма сўз ва атама ясаш, тилни тозалаш тарафдори эди.

Илгари “вазир” деганда эртақлардаги подшонинг ўнг ё чапида ўтирадиган саллали одамни тушунган бўлсак, энди у “министр” ўрнини босди. Ғалати-ғалати янгича сўзлар ўйлаб топилди. Булардан айниқса “овознигор” (радио) ва “ойнасўз” (киоск) деганлари ажабтовур эди.

Майли-да, ишқилиб, шу тарзда ҳам ўзбек тили анча-мунча бойиб қолди. Бугун “муҳандис”, “кутубхона”, ”кимё” десангиз ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Ахир, йигирма йилча бурун булар ўзбек тилининг ўлимга ҳукм қилинган, луғатларда ”арх.” ёки ”эск.” белгиси қўйилиб, чормихга тортилган сўзлари эди-ку.

Аммо ҳозир тилнинг қувватини кеткизадиган, сўздай мўътабар нарсани ичи бўш шақилдоққа айлантирадиган янги иллат пайдо бўлди. Бу – бир сўзга икки-уч маънони юклаш ё аксинча: икки-уч тушунчани битта сўзда ифодалашда кўринади.

“Станция” ана шундай сўзлардан бири. Ростдан ҳам, нима деб берса бўлади уни? Биров “шоҳобча” дейишни таклиф қилди, бошқаси “тармоқ” деди, “автостанция”ни кўзда тутганлар эса “бекат”ни ёқлади.

Асли лотинчада “станция” тўхташ, тўхтаб туриш дегани. Истилоҳ сифатида бизга русчадан ўтган бу калиманинг қўлланиш доираси кенг - автостанция, телефон станцияси, радиостанция, темир йўл станцияси, санэпидстанция, ўсимликларни муҳофаза қилиш станцияси, метеорология станцияси, товар станцияси, тоғ-иқлим станцияси, қон қуйиш станцияси, таъминот станцияси, ёш техниклар (ёш табиатшунослар) станцияси, метро станцияси, насос станцияси, ёнилғи қуйиш станцияси, машина станцияси, таъмирлаш станцияси ва ҳоказо.



Хар ким ўз фикрини ўтказишга интилди. Ишбоши қилиб тайинланган Атамақўмда эса қатъий бир фикрни кесиб айтгулик савия ҳам, мавқе ҳам йўқ эди (худди шунинг учун ҳам аввалги “министр”лар дастлаб ”нозир”, кейин ”вазир” бўлишди. ”Район” эса ”ноҳия”, кейинроқ “туман” деб, “газета” - ”рўзнома”, “куннома” ва яна ”газета” деб, ”журнал” эса “ойбитик”, ”ойнома”, ”мажалли”, сўнг тагин “журнал” деб аталди ва ҳоказо). Бунинг устига, сон-саноксиз муассасаю ташкилотлар ўзининг асосий номланишидан тортиб, идоранинг ҳар бир қаватидаги ҳар қайси мутахассис ўтирадиган хона эшигига қоқиладиган пешлавҳага қадар, Атамақўм кўриб тасдиқлаб беришини сўрар эди. Натижада, асосий иш – истилоҳларни илмий асослаш ва узил-кесил танлаш орқага сурила борди.

”**Станция**” масаласида ҳар ким ўз фикрида қолди. Бугунги кунда айни тушунча “**шаҳобча**”, “**тармоқ**”, “**бекат**” (шоҳбекат) ва... яна қайтиб “**станция**” деб, турфа тарзда қўлланыпти.

”Хўш, тўрт хил номланса, нима қипти?” деб сўраши мумкин тил масалаларидан йироқроқ одамлар. Пичоқ ҳам, қайчи ҳам кесувчи асбоб, аммо уларни аралаштириш мумкин эмас-ку. “ки аксинча, тўсинни баъзи вилоятларда болор дейдилар. Ана энди айтинг, мен “тўсин” десам, сиз “болор” деб оёқ тираб туриб олсангиз... қалай? Демак, “станция” кабилар борасида аниқ бир хиллик керак, акс ҳолда тушунчалар аро бошбошдоклик юзага келиб, давлат тилида иш юритишга, ўқиш-ўқитишга, тушунчаларни дифференциациялашга тўсиқ бўлади ва охир-оқибат, она тилимизнинг эндиги тараққиётига халал беради. Станция – станциядир, ҳеч қандай шаҳобчаю тармоқчалар унинг маъносини ифодалай олмайди. Масалан, Марказий телеграф-телефон станцияси. У ниманинг шаҳобчасию ниманинг тармоғи?

Иккинчидан, бунинг моддий зарари ҳам анчагина. Мисол учун, бирон вазирлик номидаги битта сўз янгиладиган бўлса, шу вазирликнинг марказий идораси олдидаги мармар тахтага зарҳал билан ёзиладиган, одам бўйи пешлавҳадан тортиб, барча вилоятлар ва юзлаб туманлардаги, бошқа тобе ташкилотлардаги жами муҳрлар, бланкалар, пешлавҳалар ва бошқа ҳужжатлар янгиланади. Аммо бунинг учун аввал шунча идораю ташкилотнинг Устав (низом)лари ўзгартирилиши ҳам шарт - қайта кўриб чиқиб, тасдиқланади. Давлатнинг, яъни халқнинг бошқа эҳтиёжга яратиш мумкин бўлган миллион-миллион сўм ақчаси ана шу тарзда биргина хатони бартараф этишга сарф бўлади. Атамачилик борасида аввалдан тўғри йўл тutilса, бояги маблағни бирон мактаб қурилишига, ё бўлмаса нафақа пулини сал оширишга ёинки автобус йўлкирасини, бирон сўм бўлса-да, камайтиришга асқотиб қоларди. Бу – битта сўз устидаги ғалва...



Тилимиз, айниқса термин ва атамалар борасида орқага кетаётганга ўхшайди. Чунки атамачиликни бошқарадиган марказ йўқ, бори ҳам ёпиб юборилган. Шунинг касрига, ҳар ким “атамашунос” бўлиб қолган. Масалан, ҳар бир туман электр тармоқлари идорасига кирсангиз, қатор турган ойнабанд киосклар тепасига “ТАСВИРЧИ” деб ёзиб қўйилганига кўзингиз тушади. Аммо... бу жойда ўтирадиган ходимлар нимани тасвирлайди? Разм солсак, “ОПЕРАТОР”ни бирон аканг қарағай тилбузар кинооператор билан бир хил деб ўйлаб, уни ҳам “тасвирчи”га айлантириб юборган кўринади.

Ёки яна бир мисол. Мен Тошкентнинг Чилонзор деган жойида бир маҳкама тепасида “ТАРЖИМАЛАР” деган ёзувни кўрдим. Бироқ бу жойда ҳеч нарсани таржима қилишмас, балки пулингизни бошқа жойга ўтказиб беришар экан. Рус тилида уям – “перевод”-да... Шунақа қилиб таржимани бошқатдан таржима қилиб олишимизга тўғри келяпти.

Ажабтовур тарзда қилиб берилаётган сўزلардан яна бири - ”**операция**”. У ҳозир “**амалиёт**” деб юритилаяпти. Мен “операция” қандай қилиб “амалиёт” бўлиб қолганини яхши эсламан. Ўшанда Марказий банк ўз соҳасига оид атамаларни давлат тилига ўтказишга ёрдам беришни сўраб Тил ва адабиёт институтининг Таржимонлар гуруҳига мурожаат қилди. Ўзбекчалаштирилиши сўралган тушунчалардан бири Марказий банкнинг “Операционное управление”си экан. Агар буни жўнгина қилиб “Операция бошқармаси” десак, аёнки, бундай “таржима”нинг бировга кераги бўлмайди. Банк иши билан танишиб чиқишга тўғри келди. Маълум бўлишича, бояги бошқарма банкнинг юраги – жами амалий ишларни бажарувчи, ҳисоб-китобларни олиб борувчи муассаса экан. Мен уни “Амалиёт бошқармаси” деб ўгириб тақдим этдим. Бошқа атамалар қатори бу янгича номланиш ҳам қабул қилинди ва қўлланылапти. Аммо бу дегани қаерда “операция” сўзи учраса, дарров уни “амалиёт” билан алмаштириш кераклигини билдирмайди (чунки, агар “амалиёт”ни қайтариб рус тилига таржима қилсангиз, аксар ҳолда “практика” бўлади).

Нима дейсизки, орадан бирон йил ўтиб-ўтмай, газеталарда ”Борис Елўциннинг юрагига **амалиёт** ўтказилди” деган хабарлар босилиб турибди-да! Шоввозлар “операция” энди ”амалиёт” бўпти, деб тушунишганга ўхшайди. Кейинроқ бу сал юмшатилиб, ”жарроҳлик амалиёти” дейила бошлади. Аммолекин, одамлар қабул қилмаса, яъни нутқида ишлатмаса бекор экан. Ҳозиргача бирон киши тиббий операцияни ”амалиёт” деганини эшитганим йўқ. Демак, қабул бўлмапти -“операция”нинг ўзи тузук экан.

Бир тилдаги бир истилоҳ (атама) иккинчи тилга худди ўша сўзнинг ўзи билан берилиши ҳам, ё бўлмаса таржима қилиниши ҳам мумкин, гап бунда эмас.



Гап шундаки, истилоҳ бошқа – сўз бошқа. Тил соҳаси шунақа инжиқ иш. Ҳамиша ўта синчковлик ва заргарнинг тарозисидай аниқлик билан, ҳар бир “майда-чуйда”ни ҳисобга олиб иш кўриш керак бўлади.

Тил ижтимоий ҳодиса, аммо сиёсий нарса эмас. Бинобарин, унга сиёсатни аралаштириш, тил жараёнини сиёсий иродага бўйсундириш маҳол. Тилга фармон бериб бўлмайди. Демак, қайси тилдан кирган бўлишидан қатъи назар, она тилига қабул қилинган ва қўлланаётган сўзларни “ҳайдаб” чиқариш ҳам имкондан хориж нарса. “Ҳайдалган” ана шундай сўзлардан бири “станция”, яна бири ”операция” бўлса, улар ҳам вақт ўтиб, худди бир пайтлар янгилаб кўрилган, аммо ижобат бўлмагани учун яна эскиси маъқул топилган “газета”, “журнал”, “радио”, “телевизор” каби сўзлар сингари, ўзбек тили лексиконига қайтаёпти.

Хўш, нима қилиш керак? Тилимиздаги қай бир атама янгиланиши керагу, қайсиниси аввалгидай қолгани дуруст – мана шу масала кўпчиликка жумбоқ бўлиб турибди. Албатта, энг тўғри қараш қандайлигини вақт кўрсатади, аммо қўл қовуштириб кутиб ўтириш ҳам мумкин эмас, атамалар танлашнинг илмий принципларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган бўлса – татбиқ этиш керак. Албатта, сўз ва атамаларни қўллашда олимларимиз тўғри айтганидай, бир йўналишли принцип бўлиши мумкин эмас – тил беҳад мураккаб соҳа. Аммо бу, айна соҳада ҳеч қандай қонун-қоидалар бўлмайди, ҳар бир янги ҳолда айрича иш тугилади, дегани эмас, тилнинг умумий ривожланиш тамойилларидан келиб чиқиб, энг тўғри ва оқилона қарорга келиш мумкин.

Менимча, бунда бош йўналиш – ўзга тиллардан кириб келган ва атамаларимиз қаторидан ўрин олган ҳар битта сўзни шу ҳолича қолдириш ё алмаштириш масаласи кўриб чиқилар экан, бу сўз асли байналмилалми ё фақат бир тилдагина мавжуд бўлиб, ўзбекчага ана шу тилдан қабул қилинганми, дастлаб шуни аниқлаш керак. Башарти сўз халқаро бўлса (масалан, **принцип** сўзи), уни она тилимизда ҳам қолдириш, фақат бир миллат тилидан олинган (русча: **водо+род, само+лёт**) бўлса, уни халқаро эквиваленти (**ҳидроген, аэроплан**) билан алмаштирган маъқул.

Шундай ҳам бўладики, битта атаманинг ҳам халқаро, ҳам “шарқона” вариантлари мавжуд. Бу ҳолда, агар шарқона шакл азалдан сингишган ва тилимизнинг орфоэпик хоссаларига мосроқ (м: фалсафа), ёки европачага қараганда тўғрироқ (м: кимё) бўлса, мақбул топилгани дуруст. Аммо шарқона шакл нотўғри, ноилмий, ёинки аслидаги номи ҳам ўзбек талаффузи учун қулай (география: жўғрофия) бўлса, унда европача шакл афзалроқ.

Жуда кўп атамалар полисемантик хусусиятга эга. Бу уларни иккинчи тилда қўллашда мушкулотлар келтириб чиқаради. Масалан, **“позиция”** - **мавқе**,



**позиция – нуқтаи назар, позиция – эгалланган ер.** Уларни бошқа тилга таржима қилиб беришда ниҳоятда ҳушёр бўлиш керак. ×унончи, “фалон ҳарбий бўлинманинг мавқеи” дейиш бўлинма ишғол этган позицияни эмас, шу бўлинманинг, айтайлик, полкдаги обрўсини англатади.

Аслият тилида икки маъно англатган атамаларни ўзбек тилига битта сўз билан таржима қилиш кутилган натижага олиб келмайди. Масалан, рус тилидаги “талант” деган сўз кишидаги қобилятни ҳам, шундай қобилятли кишини ҳам англата беради. Аммо уни биргина “истеъдод” деб беравериш тилнинг оҳорини кеткизади, “истеъдод соҳиби” дейиш маъқулроқ.

Худди шунинг учун ҳам, мен бундан ўн йиллар муқаддам она тилимизга “рўйхат” деб таржима қилинган “реестр”ни, ё бўлмаса ”нусха” деб берилаётган “копия”ни, “йўналиш” деб ўзгартирилган ”маршрут”... ва ҳоказо ўнлаб мана шундай байналмилал сўзларни аслидагидай сақлаб қолишни таклиф этардим. Негаки, “список”, ”экземпляр”, ё бўлмаса ”направление” каби сўзлар борки, улар ҳам айнан бояги сўзлар билан берилаяпти. Бунда илмий аниқлик бой берилади, тилнинг ифодавий имкониятлари кўпайиш ўрнига озаяди.

Энди авваллари худонинг берган куни ўн марталаб эшитадиганимиз ”план” деган сўзни олинг. Ҳозир у ”режа”, “шартнома режаси”, ”шартномавий мажбурият” каби бир неча ажабтовур шаклда қўлланыаяпти. Аммо улардан ҳеч қайсиси, ҳарқанча тумтароқ бўлмасин, ўша қисқагина, қулайгина бўлган “план”нинг маъносини бера олмайди, ҳеч ким (агар радиога интервью бераётган бўлмаса) тилини “маданийчасига” бураб, “шартномавий режани адо этдик” демайди.

Аҳолининг нари борса беш фоизини ташкил этадиган русийзабонларга ўзбек тилида сўзлашишни ўргатиб қўйиш биланоқ лисонимиз давлат тили бўлиб қолмаганига ва бу хато иш бўлганлигига бугун шоҳидмиз. Давлатнинг миллионлаб ақчаси ҳисобига бир-иккита “узбекча” сўз ўрганган биродарларимиз бугун Россияда, Исроилу Канадага кетиб, уёқдаги ўзбек тилини билмайдиганларга “бу тилда нонни нанна дейдилар” деб ўргатиб юришган бўлса ҳам ажаб эмас.

Худди шу каби бир хатони эса бугун ҳам зўр суръат билан ривожлантираяпмиз - қандай қилиб бўлса-да, атамаларга ўзбекча кўйлак кийдиришга ҳаммамиз ишқивозмиз. Борингки, бир неча юз сўз ва атамани шу зайлда эплаб-сеплаб “ўзбекча” қилиб олармиз ҳам. Аммо бу, бизлар анойи бўлиб кутгандай, давлат тили сифатида ўзбек тили мақеини оширишга эмас, ўзбек терминологиясини барбод қилишга олиб келиши тайин.

Ўзбек тили давлат тили бўлишининг эса иккита “кичкина” шарти бор: биринчидан, барча идора ва ташкилотларда давлат тилида иш юритишга ўтишни



Йўлга қўйиш керак ва иккинчидан, давлат тилида иш юритиш сифатини тобора яхшилаш лозим. Бусиз қонун... қоғозда қола беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исомиддинов З. Сўз қисмати. – 2020. – Б. 146.
2. Олим С. Тил ва адабиёт сиёсати. – Т.: “Маънавият”, 2016. – Б. 30.

**LINGUISTIC NATURE OF THE TERM AS ONE OF ITS COGNITIVE  
FACTORS**

**(in the example of English geological terms)**

**Omonov Baxtiyorjon Xabitovich**

*3-bosqich tayanch doktorant*

*O‘zbek tilining sohada qo‘llanilishi va soha terminologiyasi.*

*O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti*

*E-mail: [baxtiyor008@gmail.com](mailto:baxtiyor008@gmail.com)*

В узбекских вузах в программу изучения русского языка, как и других иностранных языков, входит углубленное изучение грамматики, фонетики и лексического состава языка, все больше акцент делается на обучение системе языка и в основном на грамматике. По-прежнему основными трудностями являются недостаток активной устной практики в расчете на каждого студента группы, изучение русского языка должно основываться на развитии речевых навыков у студентов в результате выполнения устных упражнений, и теоретическое изучение должно уступать свое место выработке практических навыков. Необходимо научить студентов не только основам русского языка, но



и научить их с интересом и правильно общаться на другом языке как в рамках профессиональной тематики, так и в ситуациях повседневной жизни.

Преподавание русского языка как иностранного осуществляется сейчас в условиях глобальных изменений по всей системе образования – изменились цели изучения языка, потребности учащихся, условия обучения; нельзя не признать, что произошёл и переход количественных изменений в качественные – работа с массами изучающих трансформировалась в работу, более индивидуализированную, когда студенты сами стали определять не только языковую, но и культурную составляющую процесса обучения [3, с. 115].

За время учёбы студенты должны научиться наряду с родным языком свободно применять русский язык в устной и письменной форме, в монологической и диалогической речи, излагать и отстаивать свою точку зрения в дебатах, дискуссиях, извлекать нужную информацию из текстов различного характера на русском языке, трансформировать полученную информацию при выполнении общественных и профессиональных обязанностей, вести наряду с родным языком доступные формы делопроизводства, формировать языковую базу для дальнейшего профессионального обучения.

Главная цель обучения иностранному языку – не столько обучение системе языка (лингвистической компетенции), сколько овладение коммуникативной компетенцией, т.е. способность человека средствами изучаемого языка осуществлять речевое общение в той или иной сфере деятельности. В основе коммуникативной компетенции лежит комплекс языковых знаний и речевых навыков и умений, которые формируются и усваиваются в ходе занятий [4, с.154]. Приоритетна самостоятельная работа студента, которая предполагает, прежде всего, внимательное изучение дополнительного теоретического материалов и образовательных Интернет-ресурсов к каждой теме, осуществление самопроверки с помощью вопросов и тестов, приведенных в конце темы, а также обязательное выполнение практических заданий. Практическая (коммуникативная) цель обучения русскому языку реализуется в процессе решения частных задач, в соответствии с которыми студенты должны овладеть о *НИУ ТИИИМСХ*

пределенным активным и пассивным словарным запасом, и фразеологическим минимумом, приобрести орфоэпические, грамматические, словообразовательные, стилистические, орфографические и в первую очередь коммуникативно-речевые умения и навыки. Практическая цель обучения включает в себя (наряду с формированием у студентов способности общения на





русском языке) воспитание и развитие потребности самообразовании, выработку умений и навыков самостоятельной работы с книгой на русском языке, умений пользоваться справочной литературой, словарями, вдумчиво читать, систематизировать материал, делать выводы, т. е. уроки русского языка должны способствовать формированию навыков рациональной организации самостоятельной работы, культуры умственного труда. Что касается остальных 50%, зависящих от обучающихся, то следует отметить, что какой бы новый инновационный метод не выбрал бы для студента преподаватель с целью повышения его практического овладения языком, многое зависит от него самого, от его усердий, стараний и сообразительности. Ибо самое содержательное и вдохновительное занятие не сможет продолжаться более полутора часов. По окончании занятия за дверями аудитории и вуза остается студент наедине со своим старанием и фантазией.

Исходя из сказанного, студентам можно посоветовать следовать знаменитой поговорке «Повторенье – мать ученья». Чем больше они будут повторять пройденный материал, углубившись в него, тем лучше они его смогут запомнить. Это связано с возникновением рынка труда, конкуренции в Узбекистане специалистов отечественной и зарубежной профессиональной школ с тем, чтобы довести уровень выпускника отечественных образовательных учреждений до уровня профессиональной состоятельности зарубежного специалиста. Современная методика преподавания русского языка в вузах Узбекистана признает, что трудности усвоения слов, с одной стороны, связаны с особенностями лексической системы самого русского языка, а с другой – спецификой лексики родного языка студентов. Так как слова в русском языке существуют не изолированно, а в связи с другими, то студенты изучают лексику во взаимосвязи, в сопоставлении, что облегчает процесс усвоения материала. В процессе обучения большое место должно быть отведено семантике слов, так как с ней связано правильное понимание слова и употребление его в речи. Живое слово преподавателя, его непосредственное обращение студентам, возможность постоянной обратной связи - все это имеет несомненные преимущества. Следует всегда помнить: какие бы технические средства мы ни использовали, центральной фигурой в учебном процессе остается преподаватель, и ему необходимо внимательно следить за своей речью, обладать хорошим, четким произношением, не допускать грамматических и стилистических ошибок.



### *Список литературы:*

1. Закон «Об образовании» Республики Узбекистан // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Ташкент: Шарк, 1997. стр 63.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь // Избр. психол. исслед. М., 1957. стр 517.
3. Митусова О.А. Лингвистический компонент модели современного специалиста //Строительство-2001: материалы Междунар. научно-практической конф. Ростов н/Д.: РГСУ, 2003. С. 114–118.
4. Щукин Н.А. Методика обучения речевому общению на иностранном языке. М.: Икар, 2011. с. 154–157.
5. Пассов Е. И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 4-е изд. М.: Просвещение, 2014.
6. Проблемы изучения русского языка в Узбекистане. Ташкент: Фан, 2019.
7. Андриянова В. И. Русская речь и трудовая деятельность студентов: Пособие для учителя. Ташкент: Ўқитувчи, 2012.



## **IV. SOHAGA OID LUG‘ATLAR TARAQQIYOTIDA MUAMMO VA YECHIMLAR**



## SOHAGA OID VA O‘QUV LUG‘ATLARINI YARATISH BORASIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLAR HAMDA BU JARAYONGA ZAMONAVIY INNOVATSION YONDASHUVLARNI TATBIQ ETISHNING ZARURATI

**Shahnoza ERGASHEVA**

*Innovatsion rivojlanish vazirligi bosh mutaxassisi,  
filologiya fanlari nomzodi*

Leksikografiya tilshunoslikning muhim fan sohalaridan biri bo‘lib, tilning lug‘aviy boyligi, ifoda imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarishga xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilganligining o‘ttiz yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimda “Globallashuv sharoitida milliy tilimizning sofligini saqlash, uning lug‘at boyligini oshirish, turli sohalarda zamonaviy terminlarning o‘zbekcha muqobilini yaratish, ularning bir xil qo‘llanilishini ta‘minlash dolzarb vazifa bo‘lib turibdi...”, degan edi.

Darhaqiqat, tilning lug‘at zaxirasini boyitish va takomillashtirish milliy tilni saqlab qolish va yanada rivojlantirishning bosh mezonlaridan biridir. Bu vazifani sohalarga oid lug‘atlarsiz amalga oshirib bo‘lmaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 20-oktabrdagi PF-6084-son Farmoni bilan tasdiqlangan “2020-2030 yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish kontsepsiyasini 2020-2022 yillarda amalga oshirish dasturi”da 2020-yilda o‘zbek tilining lug‘at boyligini oshiruvchi 15 ta lingvistik, sohaviy-terminologik, izohli lug‘atlar yaratish vazifasi belgilangan.

Shuningdek, mazkur farmonga ko‘ra o‘zbek tilidagi mavjud lug‘atlar asosida uzluksiz ta‘limning barcha turlari uchun quyidagi o‘quv lug‘atlarini yaratish choralari ko‘riladi, jumladan:

ko‘p jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ning to‘ldirilgan yangi nashri (kirill va lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosida);

“O‘zbek tilining imlo lug‘ati”;

“O‘zbek tili sinonimlari lug‘ati”;

“O‘zbek tili sinonimlarining katta izohli lug‘ati”;

“O‘zbek tili frazeologizmlarining katta izohli lug‘ati”;

“O‘zbek tili omonimlari lug‘ati”.



Belgilangan topshiriqlar ijrosini ta‘minlash maqsadida mas‘ul idora va tashkilotlar, tilshunos olimlar tomonidan qator lug‘atlar yaratildi va yaratilmoqda. O‘zbekiston Fanlar akademiyasi O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti olimlari A.Madvaliyev, N.Mahkamov, Sh.Ko‘chimov, Z.Mirahmedova va A.Saidno‘monov muallifligida yaratilgan “Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati”ga 4400 ga yaqin ijtimoiy-siyosiy terminlar va terminologik birikmalar jamlangan. Mazkur kitobga terminlar O‘zbekistonning birinchi Prezidenti Islom Karimovning ko‘p jildli asarlari to‘plami, davlat rahbari Shavkat Mirziyoyev asarlari, hukumatning me‘yoriy-huquqiy hujjatlari, vaqti matbuot sahifalari, 5 jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”, 12 jildli “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” hamda shu sohaga doir mavjud lug‘atlardan to‘planib, izohlangan. Kitob Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti buyurtmasi asosida 2021-yilda “Mashhur-press” nashriyotida lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosida ko‘p ming nusxada nashr qilindi.

“Bank-moliya terminlarining o‘zbek tilidagi izohli lug‘ati” bank-moliya sohasi xodimlari, ushbu tizimga kadrlar tayyorlab beruvchi oliy ta‘lim muassasalari professor-o‘qituvchilari hamda talabalar uchun muhim qo‘llanma bo‘ladi. 2021-yilda “Innovatsiya-Ziyo” nashriyoti tomonidan lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosida nashr etilgan ushbu lug‘atga bank-moliya sohasiga oid 800 dan ziyod termin jamlangan.

O‘zbekiston Tashqi ishlar vazirligi rahbariyatining bevosita tashabbusi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbek tilini rivojlantirish jamg‘armasi ko‘magi bilan “Diplomatik terminlar izohli lug‘ati” ham o‘zbek leksikografiyasida katta yutuqlardan biri bo‘ldi. Mazkur kitob Tashqi ishlar vazirligi huzuridagi Xalqaro munosabatlar bo‘yicha axborot-tahliliy markazi xodimi Isroil Shamsimuhamedov tomonidan nashrga tayyorlangan bo‘lib, unda 400 ga yaqin iste‘molda bo‘lgan so‘z va so‘z birikmalari, xalqaro diplomatiya sohasidagi terminlar va xalqaro munosabatlarda keng qo‘llanadigan so‘z va atamalar jamlangan. Bundan tashqari, 2020-yilda “Xalqaro terminelementlarning izohli-ko‘rgazmali lug‘ati” ham nashr etildi.

Lug‘atlarni yaratish murakkab ilmiy-tadqiqot faoliyati va izlanishlarni talab etadi. Ayniqsa, bugungi fan-texnika asrida soha va tarmoqlarga yangiliklar va yangi texnologiyalar tinimsiz kirib kelayotgan bir paytda bu boradagi ishlar ko‘lami yanada kengayadi.

O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi “UNICON.UZ” – Fan-texnika va marketing tadqiqotlari markazi davlat unitar korxonasi tomonidan nashrga tayyorlangan “Sun‘iy intellektga



oid atamalarning o‘zbekcha-ruscha izohli lug‘ati” O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti tilshunos olimlari tomonidan tahrir qilinib, tegishli tavsiyalar berildi.

Innovatsion rivojlanish vazirligi tomonidan ilmiy faoliyatga oid davlat dasturlari doirasida ajratilgan grant mablag‘lari hisobidan qator lug‘atlar yaratilmoqda. Andijon davlat universiteti olimlari ishtirokida bajarilayotgan “Tarjimashunoslik va lug‘atshunoslik innovatsiya markazini tashkil etish asosida lug‘at va matn tarjimoni intellektual platformasini yaratish” mavzusidagi maqsadli loyiha doirasida ayni sohada zamonaviy ilmiy markaz faoliyatini yo‘lga qo‘yish rejalashtirilgan. Ayni paytda ilmiy faoliyatga oid davlat dasturlari doirasida:

“Kodeks kumanikus” qo‘lyozmasining elektron ilmiy izohli matni va izohli lug‘atini yaratish” (Namangan davlat universiteti);

“O‘zbekistonning geografik obyektlari uchun ko‘p tildagi elektron lug‘at yaratish” (O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti);

“Tasviriy va amaliy san‘at terminlarining o‘zbek va ingliz tillaridagi elektron lug‘ati va mobil ilovasini yaratish” (O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi);

“Antroposentrik tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati”ni tuzish va nashr qilish (lug‘atning mobil ilovasi va veb-saytini yaratish) (O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti);

“O‘zbek tilida elektron lingvistik entsiklopedik lug‘at ishlab chiqish (Andijon davlat universiteti);

“Kimyo atamalarining izohli lug‘atini yaratish” (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi Davlat tilida ish yuritish asoslarini o‘qitish va malaka oshirish markazi);

“O‘zbek ismlarining izohli imlo lug‘ati va mobil ilovasini yaratish” (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti) singari amaliy va innovatsion loyihalar bajarilmoqda.

“Tarixiy atamalarning elektron izohli lug‘ati”ni yaratish” mavzusida e‘lon qilingan loyihalar tanlovi natijalariga ko‘ra g‘olib deb topilgan loyiha moliyalashtirish uchun O‘zbek tilini rivojlantirish jamg‘armasiga yo‘naltirildi.

Bundan tashqari, “Matematika fanidan o‘zbek, qoraqalpoq, rus va ingliz tillaridagi izohli lug‘at onlayn-platformasini yaratish”, “Arxitektura-qurilish atamalarning o‘zbekcha-ruscha, ruscha-o‘zbekcha izohli o‘quv lug‘atini yaratish”, “Qarluq, qipchoq va o‘g‘uz lahjalari materiallari asosida o‘zbek xalq shevalarining elektron lug‘ati hamda atlasini yaratish”, “Kon-metallurgiya terminlari o‘quv-izohli lug‘ati”ni tuzish hamda uning mobil ilovasi hamda veb-saytini yaratish”, “O‘rmon xo‘jaligi sohasiga oid atamalarning o‘zbekcha-inglizcha-ruscha-nemischa illyustrativ elektron lug‘ati va mobil ilovasini yaratish”, “O‘zbek tili omonimlari lug‘ati”ni



tuzish hamda uning elektron platformasini yaratish”, “O‘zbek tilining qardosh tillar bilan tarjima lug‘atini tuzish (veb-sayti va mobil ilovasini yaratish, 10 tilda) mavzulari bo‘yicha loyihalar tanlovlari o‘tkazilmoqda.

O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti lug‘atlarni yaratish ishlarida yetakchi ilmiy-tadqiqot muassasasi hisoblanadi. Ayni paytda institut olimlari tomonidan “O‘zbek tili sinonimlarining katta izohli lug‘ati”, “O‘zbek tili frazeologizmlarining katta izohli lug‘ati”larini yaratish va nashr etish ustida ishlar davom ettirilmoqda.

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ning lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosidagi to‘ldirilgan nashrini chop etish ham bugungi kundagi dolzarb masalalardan biridir.

Mazkur lug‘atni tayyorlash yuzasidan quyidagi ishlar amalga oshirildi:

1. Lug‘at yangi imlo qoidalariga muvofiqlashtirildi.
2. Lug‘at uchun yangi lisoniy materiallar zaxirasi yaratildi va u filologiya fanlari doktori, professor N.Mahmudov rahbarligidagi tahrir hay‘ati a‘zolari tomonidan saralandi.
3. Tavsiya qilingan uch mingga yaqin lug‘aviy birlik izohlanib, lug‘at tarkibiga kiritildi, shuningdek, lug‘at zamonaviy nashrlardan olingan ko‘plab illyustrativ misollar bilan ham boyitildi.
4. Lug‘atning 6 jildi nashrga tayyorlanib, mas‘ul muharrirlar tomonidan qayta ko‘rib chiqilmoqda.

So‘nggi yillarda lug‘atshunoslikning turli yo‘nalishlarida qator ishlar amalga oshirilgani quvonarli hol bo‘lsa ham, bu boradagi ishlarni yanada rivojlantirishga zarurat mavjud. Toshkent davlat sharqshunoslik olimlari tomonidan yaratilgan quyidagi lug‘atlar til o‘rganuvchilar uchun muhim manba bo‘lishi bilan birga o‘zbek tilini yanada boyitishga ham muhim hissa bo‘lib qo‘shiladi:

1. Xodjayeva N. “Hindcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-hindcha frazeologik lug‘at”, 2015-yil.
2. Ismatullayeva N. “Xitoycha-o‘zbekcha turizm atamaları lug‘ati”, 2015-yil.
3. Sultanxodjayeva S. “Forscha-o‘zbekcha izohli frazeologik lug‘at”, 2015-yil.
4. Quronbekov A., Ahmedova D. “Forscha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-forscha tilshunoslik terminlari lug‘ati”, 2015-yil.
5. Ochilov O. “O‘zbekcha-xitoycha lug‘at”, 2015-yil.
6. Qosimova Z. “Yaponcha-o‘zbekcha ijtimoiy-siyosiy terminlar lug‘ati”, 2015-yil.



7. Mirzaahmedova H. “Temir yo‘l terminlarining ruscha-o‘zbekcha-forscha izohli lug‘ati”, 2014-yil.

8. Mustafayeva S. “Xitoycha-o‘zbekcha tilshunoslik terminlari izohli lug‘ati”, 2014-yil.

9. Ergasheva K. “Tamilcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-tamilcha lug‘at”, 2014-yil.

Bugungi kunda barcha fan sohalari va yo‘nalishlarida bo‘lgani kabi leksikografiya sohasiga ham zamonaviy innovatsion yondashuvlarni tatbiq qilish lozim. Endilikda lug‘atlarni kitob holda chop etish uning ommaviyligini ta‘minlamaydi, aksincha lug‘atlarni elektronlashtirish, mobil ilovalarini yaratish undan foydalanuvchilar sonini oshirishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, lug‘atlarni turli multimedia vositalari, mazmunga mos illyustratsiyalar, video va audio materiallar bilan boyitish ham yaxshi samara beradi.

Innovatsion rivojlanish vazirligi va O‘zbek tilini rivojlantirish jamg‘armasi o‘rtasida imzolangan memorandum asosida jamg‘arma mablag‘lari hisobidan amalga oshirilayotgan “Yangi avlod o‘quv lug‘atlari va ularning mobil ilovasini yaratish” (ijrochi tashkilot: Toshkent axborot texnologiyalari universiteti; loyiha rahbari: t.f.d., prof., E.Nazirova) mavzusidagi amaliy ilmiy loyiha lug‘atshunoslikka axborot-kommunikatsion texnologiyalarini joriy etishga bag‘ishlangan. Mazkur amaliy loyiha doirasida maktab o‘quvchilari va universitet talabalari uchun sinonim, omonim va paronimlar o‘quv lug‘ati va uning mobil ilovalari yaratiladi.

Lug‘at ikki qismdan iborat bo‘ladi:

- 1) lug‘at maqolalari va uning grammatik test bazasi;
- 2) lug‘atning dasturiy qismi.

Loyiha bajarilishining dastlabki yili davomida har uch turdagi lug‘atning lug‘at bazasi yaratildi. Tadqiqotlar korpusga asoslangan lug‘at yaratish tamoyili asosida lug‘atning maqola, grammatik ma‘nosi, izohi va matn fragmentlari shakllantirildi. Ma‘lumki, dastlabki korpusga asoslangan ingliz tilining ta‘limiy lug‘ati Collins COBUILD 1987-yilda John Sinclair tomonidan yaratilgan. Ushbu lug‘atning o‘zidan avvalgi lug‘atlardan farqi namunalar real hayotdan olingan matn fragmentlari hamda o‘quvchi darajasiga yo‘naltiriladi.

Omonimlar lug‘atini tuzishda leksik minimumni aniqlash uchun o‘zbek tili elektron korpusiga ta‘limiy korpus bazasi yig‘ildi. Unda so‘zlarning qo‘llangan chastotasi bo‘yicha darajalab olindi. Lug‘at tarkibi omonim so‘zlar, grammatik qo‘shimchalar, iboralar va ibora va so‘z birikmasi o‘rtasidagi omonimlik hodisalariga ko‘ra lug‘at kontenti shakllantirilgan.

Yangi avlod o‘quv lug‘atlari va ularning mobil ilovalarini yaratish nomli amaliy loyiha natijalari <http://www.tilshunos.com/> saytiga joylashtirilgan. Mazkur





platforma til o‘qitishda sinf auditoriyalarida internet orqali monitorida ko‘rsatishga mo‘ljallangan. Loyiha bajarilishining 2-yilida lug‘atning mobil ilovasi va bilimni baholash va bilimni tekshirish uchun grammatik testlar va dasturiy ta‘minoti yaratiladi. Yuqoridagi misol bugungi kunda yaratilayotgan o‘quv lug‘atlari haqida bo‘lib, uning an‘anaviy o‘quv lug‘atlaridan farqi ko‘rsatilgan.

Xulosa qilib aytganda, o‘zbek leksikografiyasi sohasini rivojlantirish o‘zbek tilining davlat tili sifatidagi mavqeyi va nufuzini oshirishga xizmat qiladi. Bu boradagi tadqiqotlarni rivojlantirish, lug‘atlarni zamonaviy innovatsion yondashuvlardan foydalangan holda yaratish dolzarb ilmiy masaladir.

## O‘ZBEKISTONDA SUN’IY INTELLEKT VA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O‘RNI

*Iroda Karimova*

*Toshkent davlat politex texnikumi “Iqtisod” kafedrasida o‘qituvchisi*

Dunyo ilm-fanining mahsuli bo‘lgan sun‘iy intellekt insonning ish faoliyatini, ishlab chiqarishning turli sohalarini boshqarishni yengillashtiribgina qolmay, jamiyatda doimiy mavjud bo‘lib kelayotgan ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni katta ko‘lamda bartaraf etishga zamin yaratdi. Inson hayotini iqtisodiy rivojlantirish sun‘iy intellekt va raqamli texnologiyalarni amaliyotga keng joriy qilishni taqozo qiladi. Eng katta muammolardan biri – barcha sohalarda korrupsiyani yo‘q qilish, hisob-kitoblarda, ma‘lumotlarda aniqlikni, shaffoflikni ta‘minlash, haqiqat va adolatni yuzaga chiqarish raqamli texnologiyalarning har bir sohada muhimligini ko‘rsatadi. Farovon, erkin va adolatli jamiyat barpo qilinar ekan, bunday texnologiyalarga ehtiyoj kuchayib boraveradi. Mana shu ehtiyoj natijasi o‘laroq, hukumat tomonidan bir qancha me‘yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” 2020-yil 29-oktabrdagi PF-6097-son Farmoni, “Sun‘iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2021-yil 17-fevraldagi PQ-4996-son qarori hamda bu qarorga muvofiq sun‘iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ushbu sohada yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo‘lga qo‘yish maqsadida Vazirlar Mahkamasining “Raqamli texnologiyalar va sun‘iy intellektni rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” 2021-yil 31-iyuldagi 475-son qarori qabul qilindi.



Davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga Murojaatnomasida iqtisodiy-ijtimoiy hayotning barcha sohalariga raqamli texnologiyalarni keng joriy etish eng ustuvor vazifa sifatida ham ko‘rsatilgan edi. Bu borada “Ilm, ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini va hayot sifatining barqaror yaxshilanishini ta‘minlash hamda tadbirkorlik faoliyatini yuritish va “raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qulay muhit yaratish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Toshkent shahrida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish choratadbirlari to‘g‘risida” Qarori qabul qilindi. Ushbu qaror bilan, 2020-2021-yillarda joriy etiladigan axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlar ro‘yxati, “Raqamli Toshkent” kompleks dasturini amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar rejasi, 2020 yilda telekommunikatsiya infratuzilmasini kengaytirish bo‘yicha loyihalar ro‘yxati, 2021- 2023-yillarda istiqbolli axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlar ro‘yxati tasdiqlandi. Bunday farmon va qarorlarning qabul qilinishi sun‘iy intellekt va raqamli texnologiyalarning O‘zbekiston iqtisodiyotida naqadar muhim rol o‘ynashini, bu texnologiyalar ulkan va dolzarb iqtisodiy muammolarning yagona yechimi ekanligini ko‘rsatib turibdi. Raqamli bilimlar va zamonaviy axborot-texnologiyalari, sun‘iy intellekt taraqqiyotga erishishning muhim shartlaridan biri bo‘lib qolaveradi, chunki bu texnologiyalar nafaqat davlat va jamiyat boshqaruvini takomillashtiradi va ijtimoiy sohada odamlarga katta qulayliklar yaratadi, balki, yuqorida ta‘kidlanganidek, ijobiy iqtisodiy o‘zgarishga zamin hozirlaydi: mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi, korrupsiyaga chek qo‘yadi.

Sun‘iy intellekt va raqamli iqtisodiyot iqtisodiy muammolarga qanchalik mutanosib yechim bo‘lmasin, tabiiy ravishda, ayrim muammolarning paydo bo‘lishiga ham yo‘l ochadi: insonning erkin, farovon, demokratik va adolatli jamiyatda yashashini ta‘minlash bilan birga, ijtimoiy-iqtisodiy hayotda bir qator muammolarni yuzaga chiqaradi. Bu ishlab chiqarishda inson omilini kamaytiradi, inson mehnatiga ehtiyoj qolmaydi, ish o‘rinlari qisqaradi, ishsizlik daromadni kamaytiradi. Barcha asosiy harakatlarni aqlli mashinalar bajarar ekan, odam sekinasta ish qobiliyatini yo‘qotib boraveradi, natijada oddiy harakatlarni ham bajarmay qo‘yadi. Bu esa inson sog‘ligiga putur yetkazadi. Jamiyatda inson mehnatiga emas, raqamlarga, dasturlarga ustunlik beriladi. Biroq bularning barchasi raqamli texnologiyalar va sun‘iy intellekt bera oladigan ulkan natijalar oldida o‘z ahamiyatini yo‘qotadi. Binobarin, paydo bo‘ladigan bunday muammolarni omma muhokamasiga tashlagan holda yechish mumkin. Fikrimcha, bunday vaziyatda quyidagilarni e‘tiborga olish foydadan holi bo‘lmaydi:



1. Texnika ishlash jarayonida insonni doimiy nazorat qiluvchi va kuzatuvchiga aylantirish (bunda texnik kamchiliklarni bartaraf etish, texnikani yanada takomillashtirish imkoniyati tug‘iladi. Ya’ni inson texnika bilan yonmayon harakat qiladi);

2. Insonni doimiy harakatlantirish, ishlatish uchun sharoit yaratish (bunda uni tashkilot ichida yoki tashqarisida foydali mehnatga jalb qilinadi, har qanday ish turidan manfaatdorlik tuyg‘usi shakllantiriladi);

3. Raqamli, dasturiy boshqaruvni mashinalar amalga oshirsa, inson omili, asosan, ruhiyat, hissiyot, ma’aviyat bilan bog‘liq jarayonlarda faol bo‘lishini ta’minlash (turli tadbirlar, uchrashuvlar, aloqalar va h.)

4. Insonda jismoniy harakatga moyillikni oshirish (asosan, harakatli ish jarayonini tashkil etish).

Sanab o‘tilgan tavsiyalar u qadar katta muammoni qamrab olmagan. Chunki yuqorida aytib o‘tilganidek, sun’iy intellekt, raqamli iqtisodiyot kabi texnologiyalarning kutilajak foydasi ko‘riladigan taxminiy zarardan (agar bu haqiqatan ham zarar bo‘lsa) ancha ustun. Binobarin, raqamli iqtisodiyotning o‘zi raqamli texnologiyalarga asoslangan iqtisodiy faoliyat sifatida iqtisodiyot tarmoqlarida raqamli texnologiyalarni rivojlantirish hisobiga mehnat unumdorligi va mahsulotning raqobatbardoshligiga, ishlab chiqarish xarajatlarining pasayishi, yangi ish o‘rinlari yaratilishiga olib keladi. Demak, sun’iy intellektdan farqli o‘laroq, raqamli iqtisodiyot ish o‘rinlarining ko‘payishiga ham xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 29.10.2020-yildagi pf-6097-sonli Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida’gi Farmoni.
2. <https://lex.uz/ru/docs/-5073447>



## MUNDARIJA

|                     |   |
|---------------------|---|
| <b>Kirish</b> ..... | 3 |
|---------------------|---|

### I. O‘ZBEK TILINING SOHADA QO‘LLANILISHI VA SOHA TERMINOLOGIYASI

|   |    |
|---|----|
| <b>Н.Хусанов.</b> Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши ва соҳа терминологияси .....  | 6  |
| <b>Ҳ.Дадабоев.</b> Ўзбек терминологияси олдида турган долзарб масалалар.....  | 11 |
| <b>М.А.Дедახанова.</b> Oliy ta’limda o‘zbek tili fanining sohada qo‘llanilishi fanini o‘qitishning dolzarbl.....                    | 15 |
| <b>З.Исомиддинов.</b> Тил ва атама.....   | 18 |
| <b>В.Х.Омонов.</b> Linguistic Nature of the Term as One of its Cognitive Factors (in the example of English geological terms) ..... | 23 |
| <b>S.N.Shermuxamedova.</b> Iqtisodiyotga oid terminlar va ular tarjimasining o‘ziga xos xususiyatlari .....                         | 27 |
| <b>Б.Р.Кадирова.</b> Особенности значения и употребления Экономических терминов.....  | 31 |

### II O‘ZBEK VA RUS TILLARINING ILMIIY-AMALIY MASALALARI

|  |    |
|--|----|
| <b>Н.Х.Юнусова.</b> Роль и место терминологии в повышении профессиональной компетентности узбекскоязычных студентов..... | 34 |
| <b>Т.С.Маликов.</b> Молия соҳасида таржимадаги муаммоларни ҳал этиш – таълим сифатини оширишнинг гарови.....             | 38 |
| <b>U.P.Lafasov.</b> Tilning shakllanishidagi uyg‘unlik va milliy til.....  | 44 |
| <b>М.Н.Хусанова.</b> Иқтисодиётда дигнитонимлар лексик-луғавий маънолари.....  | 48 |
| <b>М.С.Усманова.</b> Алишер Навоий асарларида қўлланилган маданий экин номлари.....                                      | 51 |
| <b>Г.И.Халикова, Ф.А.Салохожаева.</b> Вопросы лингвистики в контексте steam-образования.....                             | 54 |
| <b>Н.С.Абдуллаева.</b> Ўзбек тилига таржима муаммолари.....  | 57 |
| <b>З.Ж.Казбекова.</b> Культура речи и использование различных языковых средств в общении.....                            | 60 |



**Ш.Т.Махкамова.** Типы речи и их особенности обучения  
речевому общению.....63

**Ш.Б.Юлдашова.** Пикарескный роман как литературный жанр  
(на основе произведения «российский жилбраз, или похождения князя  
гаврилы симоновича чистякова» в.т. нарежного).....66

### III. TIL O‘QITISHDA INNOVATSION TA‘LIM TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING YANGI ISTIQBOLLARI

**A.X.Aripova.** Til ta’limida zamonaviy yondashuv.....72

**G.I.Ergasheva, M.A.Imonberdiyeva, M.B.Omonova.** An innovative  
approach to teaching theoretical phonetics in Higher Education ..... 75

**Н.С.Атаева.** Нофилологик ОТМ талабаларининг касбий  
компетенциясини такомиллаштириш концепцияси.....79

**Н.О.Диёрова.** Изучение русского языка с использованием  
информационно-компьютерных технологии.....81

**Дж.Х.Курбанова.** Методика преподавания русского языка по  
направлению экономика.....85

**Н.Т.Абдулхакимова.** Информационно-коммуникативные  
технологии, применение их в образовательном процессе.....89

**С.М.Ражабова.** Язык в сферах методики преподавания роль  
русского языка в духовно-нравственном развитии студентов и  
подготовке их к межкультурному диалогу.....93

**О.Г.Шарипов.** Язык в сферах методики преподавания.....95

**Д.Б.Байкуватова.** Использование инновационных технологий  
в преподавании узбекского языка.....97

**Д.Р.Гафурова.** Инновационные педагогические технологии  
в преподавании узбекского языка.....101

**Н.Дилмуродова.** Талабаларининг касбий нутқини ўстиришда  
ихтисослик матнларининг ўрни .....104

**R.Sh. Хо‘jaqulova.** Iqtisod tilini o‘qitish muammolari va yechimlar.....107

**Ф.А.Салохожаева, Б.Б.Исмаилова.** Steam технологии в  
организации интегрированного занятия по иностранному языку.....110

**А.Д.Сапаров.** О репродуктивной и продуктивной методах  
развития устной речи.....113

**R.T.Abduxalilova.** O'zbek tilini o'rganishda kompyuter  
tehnologiyalaridan foydalanish.....115

**Э.К.Юсупов.** Система обучения узбекских студентов в



вузовском курсе русского языка .....117

#### IV. SOHAGA OID LUG‘ATLAR TARAQQIYOTIDA MUAMMO VA YECHIMLAR

**Sh.Ergasheva.** Sohaga oid va o‘quv lug‘atlarini yaratish borasida  
amalga oshirilayotgan ishlar hamda bu jarayonga zamonaviy  
innovatsion yondashuvlarni tatbiq etishning zarurati.....124

**I.Karimova.** O‘zbekistonda sun’iy intellekt va raqamli  
iqtisodiyotning o‘rni.....129

**O‘ZBEK VA RUS TILLARIDA MOLIYA-IQTISOD  
TERMINLARINING QO‘LLANILISHI VA MUAMMOLAR**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYA MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent –“Taxririyl nashriyot” bo‘limi, TMI – 2022**

*Muharrir: M.Ikramov*

*Badiiy muharrir: X.Niyazov*

*Kompyuterda sahifalovchi: M.Rasulova*



№ 9665-5762-53ec-e93a-9961-0626-4468

Bosishga ruxsat etildi: 23.12.2022. Bichimi 60x84 1/16.

Shartli bosma tabog‘i 8,0. Nashr bosma tabog‘i 8,75.

Adadi 6. Buyurtma № 65.

Bosmaxona guvohnomasi № 10-0635

Toshkent Moliya institutida rizografiya usulida chop etildi

100000, Toshkent, Amir Temur shoh ko‘chasi 60 a uy.